Стратегия Республики Узбекистан по укреплению добрососедства и взаимовыгодного сотрудничества как платформа для углубления центрально-азиатской интеграции подкреплена рядом политических инициатив Республики Узбекистан по налаживанию всесторонних взаимоотношений между государствами региона. Ранее были неоднократные попытки интеграции государств Центральной Азии. В том числе подписание ряд деклараций и другие правовые документы, регламентирующие создание координирующих органов. К примеру, в рамках ЦАЭС было подписано более 160 многосторонних документов о сотрудничестве и принято свыше 50 совместных проектов в области экономики, но они, в конечном итоге, не привели к созданию единого глубоко интегрированного пространства.<sup>16</sup>

Международные эксперты едины, что новый этап центрально-азиатской интеграции был инициирован Президентом Республики Узбекистан Ш.Мирзиёевым, который своими активными действиями вновь актуализировал данный вопрос. Эта тема, уже много лет практически не присутствовавшая в региональной повестке дня. Однако в настоящее время переживает возрождение и активно обсуждается на различных аналитических

---

<sup>16</sup> Сафаев С. “Составляя единой целое”. 10.11.2005. <http://www.pv.uz/uz/sostavlyaya-edi>

площадках, и, что самое важное, постоянно подпитывается событийным материалом в виде различного рода официальных встреч и конференций, заявлений и инициатив лидеров стран ЦА, а также быстрыми темпами изменений в отношениях региональных соседей.

Достигнутый за короткое время прогресс, получение мощной поддержки со стороны подавляющего числа видных представителей международного сообщества, а, самое главное, поддержанное как руководителями, так и народами соседних государств новый курс главы Узбекистана наглядно показывает, что данная инициатива является плодом длительных раздумий, системного научного анализа, глубоких знаний внутреннего механизма взаимоотношений с соседями, соединённого сугубо прагматичным и практическим подходом к вопросу региональной интеграции с учетом последних тенденций глобализации.

Первоначально страны Центральной Азии были сконцентрированы на государственном строительстве, на создании и внедрении национальных идеологических конструкций, нахождении более или менее эффективных форм управления. Как показали прошедшие годы идеологические конструкции, созданные в регионе, были во многом схожи и помогли им преодолеть неопределенности и заложили модели и культуру управления внутренней и внешней политикой. Поэтому в свете проблематики региональной интеграции возникает вопрос о том, а могли ли элиты в период становления независимых государств одновременно проводить работу также по созданию идеологического фундамента для региональной интеграции. Даже при всем желании, элиты не могли создавать новую национальную идентичность и параллельно с ней новую региональную идентичность, поскольку эти два процесса имели отличную друг от друга внутреннюю логику.

Поиск общей региональной идеологии для Центральной Азии является объективно сложным процессом. Во-первых, границы современной Центральной Азии трактуются разными экспертами по-разному, а состояние размытости региона не позволяет ее идентифицировать. Во-вторых, ориентация на тюркскую идентичность вырывает из региона ее весомую часть в лице Таджикистана, а также накладывает дополнительные идеологические парадигмы, исходящие совершенно из других регионов мира. В-третьих, исламская самоидентификация противоречит светской конституции государств Центральной Азии и еще более осложняет ситуацию из-за общемировой угрозы, исходящей от терроризма и религиозного экстремизма. В-четвертых, апелляция к советскому слою идентичности невозможна, так как проявилось бы явное противоречие с целями и смысловым содержанием создаваемых идеологических конструкций, сфокусированных на создании новых независимых наций.

Международные эксперты отмечают, что с избранием нового Президента Ш.Мирзиёева в Узбекистане произошли и происходят

кардинальные преобразования<sup>17</sup>, а осуществляемая активная региональная политика государства продолжает привлекать к себе растущее внимание мировой общественности. Узбекистан активно продвигает идею региональной сплоченности, которая делает Центральную Азию, по мнению известного американского политолога Ф.Старра, «интересным субъектом международных отношений, способным играть существенную роль и в стабилизации всего региона»<sup>18</sup>. Ясное определение Узбекистаном региона Центральной Азии в качестве главного внешнеполитического приоритета, искреннее стремление главы страны к установлению добрососедских и взаимовыгодных отношений с ближайшими государствами-соседями позитивно воспринято как в самой Центральной Азии, так и далеко за её пределами. Принятая на вооружение новая внешнеполитическая стратегия Ш.Мирзиёева нацелена на обеспечение всех необходимых условий для преобразования Центральной Азии в зону стабильности, устойчивого развития, в том числе посредством эффективного решения накопившихся межгосударственных проблем на конструктивной и взаимовыгодной основе. Интеграция ни в коем случае не имеет целью нивелирование национальной идентичности (язык, культура, обычаи и нравы). Она призвана содействовать сохранению и развитию этнокультурного своеобразия региона.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

По мере усиления процессов глобализации, неуклонного расширения рамок, методов и технологий международного сотрудничества центрально-азиатский регион все стремительней перемещается из периферии системы мироустройства в центр борьбы за влияние ведущих мировых акторов. В настоящее время сформировались объективные предпосылки, давшие старт формированию международной субрегиональной системы в Центральной Азии.

Научно-теоретическое изучение основных аспектов интеграции государств Центральной Азии позволяют выдвинуть ряд научно обоснованных выводов и практических рекомендаций:

1. Процессы регионализации, подкреплённые инициативой Республики Узбекистан о создании атмосферы добрососедства в Центральной Азии, которая была подхвачена главами государств региона, дала старт и ускорила формирование здесь полноценного субрегиона международных отношений. Это придало новую динамику процессам укрепления политико-экономической и культурно-гуманитарной самодостаточности региона и повысило геополитическую ценность Центральной Азии, что особенно

---

<sup>17</sup> Лаумулин М.Т. Политическое развитие и международное положение посткаримовского Узбекистана. <https://isca.kz/ru/analytics-ru/3029>

<sup>18</sup> Узбекистан как гарант стабильности и процветания Центральной Азии. <https://uznews.uz/ru/article/10408>

актуально в условиях наблюдаемого роста глобального соперничества на мировом и региональном уровне.

2. На новом витке глобализации, нацеленной на соединение Евразийского континента сухопутными транспортными коридорами, происходит глубокое переосмысление стратегического географического расположения Центральной Азии. Новая глобальная транспортно-логистическая сеть, ядром которой предстоит стать Центральной Азии, приведет к стремительному преобразованию региона. По мере развития логистической цепи её территория не только будет крупнейшим мировым транзитёром, но и активным актором международной политико-экономической кооперации, способной поглощать и генерировать значительные грузопотоки, так как исчезнет главный фактор сдерживания экономического развития региона – удаленность от морских портов, сегодняшних хабов международной торговли. Формирующаяся новая архитектура глобализации вновь делает этот регион важным логическим звеном всемирной торговли и, по нашему прогнозу, превратит его в один глобальных центров международных товаропотоков.

3. Суверенные государства Центральной Азии совместно обладают всеми параметрами для формирования субрегиона системы международных отношений. Сюда следует отнести культурно-историческую близость народов, огромные запасы минеральных ресурсов нефти, газа, урана, золота, цветных металлов и других полезных ископаемых, обширную территорию, востребованные трудовые ресурсы и демографический потенциал (по последним данным ООН, к 2030 году население Центральной Азии составит 82 млн. человек, к 2100 – 100 млн. человек), динамичные темпы экономического роста и достаточно высокий стандарт безопасности, которые дали им возможность относительно стабильно пройти путь становления независимости.

4. Определяющими понятиями глобализации являются взаимосвязь и взаимозависимость участников этого процесса, а связанное с ним объединение отдельных элементов – регионов и субрегионов в единое целое, является основой международной интеграции. Попытки противопоставить интеграцию и регионализацию являются ошибочными и приводят к глобальному политическому противостоянию. Интеграция и глобализация представляют собой гармоничные ступени общемирового политического развития.

5. Глобализация — это явление, свойственное не только современности, а исторически сопровождавший развитие человеческой цивилизации фактор, отличавшийся друг от друга на разных эпохах развития человечества своими масштабами и технологиями. Наблюдаемый новый этап глобализации доказывает гипотезу о её маятниковой природе и неразрывно связан с инициативой Китая – «Один пояс, один путь». Инициатива нацелена перехватить у Запада, в первую очередь, у США лидерство в строительстве дальнейшей архитектуры глобального развития общепланетарного масштаба. Инициатива Китая «Один пояс, один путь» получила полную поддержку

государств Центральной Азии, так как важнейшим направлением их внешней политики является развитие международных коммуникаций, которые обеспечат эффективными и разнообразными выходами в мировое пространство.

6. Суть успешности субрегиона международных отношений, в том, что он направлен не на подавление, а на взаимное сотрудничество, на наиболее полное, рациональное совместное использование имеющихся у сторон ресурсов там, где они недостаточны для самостоятельного участия в глобальной конкуренции. Благодаря этому страны Центральной Азии получают дополнительную возможность укрепить свое место на международной арене.

7. Доктринальные подходы Японии, США, Южной Кореи, Индии, Европейского Союза и др. по установлению сотрудничества по формуле «Пять государств Центральной Азии плюс» способствуют интенсификации и координации международного сотрудничества стран региона. Принятая формула взаимодействия с ведущими странами мира позитивно влияет на развитие субрегиональной системы международных отношений в Центральной Азии.

9. Казахстан и Узбекистан для дальнейшего наращивания своего международного авторитета и экономической мощи нуждаются друг в друге и являются естественными партнёрами. Объединив усилия и имеющиеся ресурсы, страны более динамично будут отходить от сырьевой направленности экономик, становясь более конкурентоспособными на международной арене. По нашему прогнозу, политико-экономическое сближение региональных лидеров станет катализатором формирования субрегиона. В результате совместных усилий эти страны Центральной Азии могут эффективно встраиваться в масштабные континентальные транспортные коридоры и сообща сформировать мощный логистический хаб, обслуживающий товаропотоки потоки между Европой и Азией.

Необходимость практического применения теоретических выводов исследования позволила выдвинуть ряд практических рекомендаций:

1. Целесообразно оказать методическое содействие в дальнейших научных исследованиях, публикациях в СМИ позиционировать Центральную Азию в качестве субрегиона системы международных отношений с учетом того факта, что регионализация отвечает фундаментальным интересам всех стран соседей и способствует практической реализации нового внешнеполитического курса Республики Узбекистан, а также повышению геополитической значимости региона.

2. Принимая во внимание то, что новую архитектуру глобализации во многом формирует инициатива Китая «Один пояс, один путь», для соответствия новым геополитическим реалиям представляется необходимым уделять особое внимание расширению логистических преимуществ Центральной Азии и восстановление её исторической роли в качестве одного из ключевых хабов формирующейся новой системы международной торговли. Для полномасштабного раскрытия потенциала транспортных систем могло бы

способствовать созданию единого регионального координационного органа по данному вопросу.

3. Необходимо придание дополнительной динамики формированию общерегиональной идентичности путем интенсификации культурно-гуманитарных связей, в том числе с использованием инструментария культурологической дипломатии и совместного противостояния влиянию чужеродных элементов центральноазиатской ментальности. При этом идеологической платформой должны стать многовековые общие ценности объединяющие народы Центральной Азии.

4. Активизировать, в том числе в рамках Международного института Центральной Азии Узбекистана проведение углубленных исследований для выявления нереализованного потенциала взаимодействия двух крупнейших государств региона – Узбекистана и Казахстана как фактора, служащего основным формирующим сегментом архитектуры нового регионального сотрудничества. Их политико-экономическое взаимодействие должно служить флагманским примером для остальных стран региона.

5. Наряду межгосударственным и межправительственным диалогом целесообразно всемерно стимулировать развитие интеграционных процессов с «низу», используя инструменты народной дипломатии, углубление и расширение рамок приграничного сотрудничества, промышленную кооперацию, а также широко практиковать и развивать межпартийные и межпарламентские связи между государствами Центральной Азии.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

---

**ПЎЛАТХОДЖАЕВ ЗИЁДИЛЛА САГДУЛЛАЕВИЧ**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАЛҚАРО СУБРЕГИОНАЛ ТИЗИМНИНГ  
ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ташкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Ss158 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www/tsuos.uz](http://www.tsuos.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Мунавваров Зоҳидилло Иномходжаевич**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Қосимова Назокат Анваровна**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Қирғизбоев Абдугаффор Каримжонович**  
тарих фанлар доктори

**Етакчи ташкилот:** **Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ss/Tar.21.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25 уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25 уй. Тел: (99871) 233-45-21).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Э.С. Султанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**А.Н.Назаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Р.З.Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинарраиси, с.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Халқаро муносабатларнинг етакчи иштирокчилари ўртасидаги ўз таъсир доирасини кенгайтириш учун кескинлашиб бораётган рақобат шароитида Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти қайта кўриб чиқилмоқда. Унинг жаҳондаги йирик куч марказлари – энг аввало АҚШ, РФ, ХХР ва ЕИ манфаатлари кесишувининг муҳим нуқталаридан бири сифатидаги аҳамияти юксалиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, унинг янги ёки шаклланаётган куч марказлари, жумладан, Ҳиндистон, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Эрон ҳамда араб дунёси ташқи сиёсати кун тартибидаги мақоми ҳам долзарбланимоқда. Бунга қўшимча тарзда, Хитойнинг “Бир камар, бир йўл” геосиёсий мегалойихаси таъсирида шаклланаётган глобаллашувнинг янги архитектураси Марказий Осиёни жаҳоннинг энг муҳим ҳудудларидан бирига айлантирмоқда. Халқаро муносабатлар ҳар қандай етакчи субъектининг мазкур ҳудуддаги геосиёсий таъсирининг мустақамланиши унга глобал товар оқимларини, жумладан, углеводородлар ва бошқа стратегик хомашёларни ташишни бошқариш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, улкан ҳудудларга сиёсий-иқтисодий таъсир ўтказиш воситаларининг қўлга киритилишини таъминлайди. Шу асосда ўрта муддатли истиқболда Марказий Осиёнинг Евроосиё минтақаси маркази сифатидаги стратегик роли юксалишини башорат қилиш мумкин.

Бугунги дунёда глобаллашув жараёнлари натижасида юзага келган, ҳам ижобий, ҳам салбий маънога эга жадал ўзгаришлар юз бермоқда. Халқаро муносабатларнинг “ҳудудлашуви” ҳодисасининг вужудга келиши ҳамда мустақамланиши глобаллашувнинг оқибатларидан биридир. COVID-19 пандемияси шаклидаги глобаллашувнинг янги ёрқин кўриниши бугунги дунёга драматик таъсир кўрсатди. Коронавирусга яқка тарзда қарши туриш имконсизлигининг идрок этилиши халқаро муносабатлар субрегионал тизимларининг ривожланишига қўшимча туртки берди. Ҳудудлашув тегишли мамлакатлар гуруҳини яхлит таркибий уюшма сифатида жаҳон сиёсий жараёнларининг перифериясидан сиёсий-иқтисодий воқеаликнинг марказига силжишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг жадал ўзгариб бораётганлиги унинг янги ташқи сиёсий концепцияни ишлаб чиқишга буткул бошқача ёндошувларни тақозо этмоқда ҳамда давлатнинг янги ташқи сиёсий фаолиятининг илмий назарий асосини янада чуқурлаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Ўзбекистон атрофида хавфсизлик камарини яратиш ушбу фаолиятнинг бош бўғинидир. Бунинг учун “Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстликни, яхши қўшничилик муносабатларини, стратегик ҳамкорликни ва ўзаро ишончни янада мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишидир”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 29-сентябрь 2020-йил. // Халқ сўзи, 2020 йил, 30 декабрь, № 275–276 (7746–7747)

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155 сон “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги фармонларида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2018 йил 2 июндаги А/72/PV.98 сон “Марказий Осиё ҳудудида тинчлик, барқарорлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадларида ҳудудий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюциясида, шунингдек ушбу мавзу бўйича бошқа меъёрий ҳудудий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга муайян даражада имкон яратади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ривожланишида инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва амалга ошириш йўллари” йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Марказий Осиёнинг ҳудудлашуви масалаларини тадқиқ қилиш жараёнида мамлакатимиз ва хорижда амалга оширилган ишларнинг кенг доираси таҳлил қилинди. Минтақа давлатларининг (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон) сиёсатшунослик илмий ҳамжамияти ушбу мавзуга тез-тез муурожаат қилаётганлигини таъкидлаш зарур. Марказий Осиё давлатларининг ўзаро муносабатларини мониторинг ва таҳлил қилиш билан АҚШ, Россия, Европанинг етакчи давлатлари, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг таниқли олимлари ҳам шуғулланмоқда.

Ғарб тадқиқотчиларининг Марказий Осиёга бағишланган ишларининг энг долзарбларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Минтақа бўйича машҳур тадқиқотчи Ф.Старр сўнгги йилларда унда ҳудудлашувнинг янги шабадаси эсаётганини таъкидлайди. Марказий Осиё давлатлари етакчилари ҳудудий бирлашув соҳасидаги ҳаракатларини янада каттароқ иштиёқ билан ва эркинроқ мувофиқлаштира бошладилар. Ҳудудий бирлашувни жадаллаштирган энг таъсирчан омиллардан бири сифатида олим 2016 йилда Ўзбекистонга янги раҳбар Ш.Мирзиёевнинг келишини таъкидлайди. Америкалик эксперт изланишларининг энг муҳим хусусияти – МОдаги интеграциялашув жараёнлари қиёсий таҳлилининг амалга оширилганлиги ҳамда ушбу минтақа ҳудудлашувининг мақбул шаклини таърифлашда намоён бўлади. Муаллиф АСЕАН Шимолий Иқтисодий Кенгаш, Вышеград гуруҳи ва МЕРКОСУР сингари бирлашув шаклларини изчил кўриб чиқади. Тадқиқотчи Марказий Осиё учун АСЕАН мақбул модел деб ҳисоблайди. Бироқ унинг фикрига кўра, минтақа мамлакатлари учун бошқа ташкилотларнинг, биринчи навбатда, Шимолий Кенгашнинг тажрибасидан ҳам қандайдир фойдали

нарсаларни олиш мумкин. Аммо ушбу эксперт Марказий Осиёдаги муваффақиятли ҳудудий бирлашув учун зарурий институционал асосни яратишни марказий ва биринчи даражали вазифа сифатида кўради<sup>2</sup>.

Ўзбекистоннинг роли тўғрисида британиялик машҳур иқтисодчи олим, иқтисодиёт бўйича Нобел мукофоти совриндори Кристофер Антониу Писсаридес қуйидаги фикрларни баён қилади: “Ўзбекистон келажақда Марказий Осиё мамлакатлари интеграцияси учун энг муҳим мамлакатлардан бирига айланади. Бунинг исботини Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта асосий устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида кўриш мумкин. Ушбу муҳим дастур Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар... ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларини белгилайди ҳамда уларнинг илмий-назарий ва услубий асосларини акс эттиради. Мазкур дастур иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг янги моделига ўтишда мавжуд салоҳиятдан фойдаланган ҳолда миллий иқтисодиётни эркинлаштириш ва инновацион иқтисодиётни жорий қилишни ўз ичига олган”<sup>3</sup>.

Р.Вайтс “худудий даражада Ўзбекистон радикал ислом ва гиёҳванд моддаларнинг айланишига қарши изчил курашмоқда, шунингдек, Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг худудий жипслашувини фаол тарғиб қилмоқда”<sup>4</sup>, деб таъкидлайди. О.Спейсер Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги бугунги роли ҳақида мулоҳаза юритиб, “Марказий Осиё интеграцияси масалаларида Евроиттифоққа “маслаҳатчи” мақомини таклиф этади. Бу ерда уч йўналиш: чегара муаммолари, бошқарувнинг умумий тузилмаларини такомиллаштириш ва сув билан боғлиқ можаролар ажратиб кўрсатилмоқда”. Муаллифнинг фикрига кўра, “Марказий Осиё мисоли ЕИни бирон бир геосиёсий ғаразсиз минтақа мамлакатларининг бетараф ҳамкори сифатидаги қиёфасини кўрсатиши ва бу билан субрегионнинг ривожланишига ёрдам кўрсатиши лозим”<sup>5</sup>. С.Леви-Санчес “минтақанинг ижтимоий-маданий тузилмаси жуда ўхшашлигини”, “кўп асрлик тарихий яқинлик эса худудлашув учун ажойиб шароитлар яратиши”ни таъкидлаган ҳолда, Марказий Осиё мамлакатларининг худудий мансублигидаги тарихий жихатларни кўриб чиқади<sup>6</sup>.

Россиялик олимлар томонидан Марказий Осиёга бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган, уларда, айримларини мустасно қилган ҳолда,

---

<sup>2</sup> Starr S.F., Cornell S. Modernization and Regional Cooperation in Central Asia: A New Spring? // Central Asia-Caucasus Institute & Silk Road Studies Program. – Washington, D.C.: Johns Hopkins University, 2018. – 66 p.

<sup>3</sup> Писсаридес К. Обращение к участникам международной научно-практической конференции // Международная научно-практическая конференция. / Стратегия действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инвестиционная активность и перспективы инновационного развития. – Т., 2018 г. – С. 12-13.

<sup>4</sup> Weitz R. Uzbekistan's New Foreign Policy: Change and Continuity under New Leadership. – Central Asia-Caucasus Institute & Silk Road Studies Program. – Washington, D.C.: Johns Hopkins University, 2018. – 53 p.

<sup>5</sup> Spaiser O.L. The European Union's Influence in Central Asia. Geopolitical Challenges and Responses. – New York: Lexington Books, 2018. – XXI+245 p.

<sup>6</sup> Levy-Sanchez S. The Afghan-Central Asian Borderland: the State and Local Leaders. – London: Routledge, 2017. – 182 p.

Марказий Осиёнинг интеграциясига нисбатан пессимистик ёндашув устуворлигини кўриш мумкин<sup>7</sup>.

Ўзбек тадқиқотчилари орасида А.М.Қосимов, Р.З.Жумаев, С.А.Жўраев, Ш.Орифханов, С.С.Сафоев, С.Т.Саидолимов, Р.М.Алимов, Ч.Кўчаров, Ф.Ф.Толипов ва бошқаларнинг<sup>8</sup> ишларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Мустақил Ўзбекистон дипломатиясининг эътироф этилган асосчиларидан бири, тарих фанлари доктори, профессор А.М.Қосимовнинг тадқиқотларида Марказий Осиёдаги худудлашувнинг замонавий жараёнлари борасидаги стратегик башорат белгиларини кўриш мумкин<sup>9</sup>. Жумладан, олим ушбу жараёнларда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрнини таъкидлайди. Марказий Осиё давлатлари манфаатларининг умумийлиги, давлатлараро алоқаларнинг деярли барча томонларига тегишли эканлигини, буларнинг уйғун ривожланиши эса, худудни жипслаштириши мумкинлигини таъкидлаган профессор Р.М.Алимовнинг баъзи асарлари ва наشرларини долзарб ҳамда ушбу диссертация иши билан ҳамоҳанг дейиш мумкин<sup>10</sup>.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабаларнинг илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Марказий Осиёда халқаро субрегионал тизимнинг шаклланишига сабаб бўлаётган объектив ҳолатларни аниқлаш ва асослашдир.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Марказий Осиёни муваффақиятли ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида барқарор халқаро субрегионал тизимни шакллантириш йўлида

---

<sup>7</sup> Воробьев В. П., Шутов А. Д. Эволюция политики России на постсоветском пространстве. Учебное пособие. - М.: Восток -Запад, 2010. – 164 с.; Баров С.А. Евразийский экономический союз — новое измерение региональной интеграции в Центральной Азии. // Представительная власть -XXI век: законодательство, комментарии, проблемы, 2013, №4 (123), с.32-38.; Звягельская ИД. Становление государств Центральной Азии: Политические процессы. - М.: Аспект Пресс, 2009. – 198 с.; Богатуров А., Дундич А., Троицкий Е. Центральная Азия: Отложенный нейтралитет и международные отношения в 2000-х годах. Очерки текущей политики, выпуск № 4, – М., 2010; Пивовар Е.И. Постсоветское пространство: альтернативы интеграции. Исторический очерк. / Изд. 2-е, испр. и доп. - СПб.: Алетей, 2010. - 158 с.; Малащенко А. Центральная Азия: на что рассчитывает Россия? // Московский Центр Карнеги, – М., 2012. – 233 с.; Воробьев В. П., Шутов А. Д. Эволюция политики России на постсоветском пространстве. Учебное пособие. - М.: Восток - Запад, 2010. – 321 с.; Тренин Д. Россия и Центральная Азия: интересы, политика, перспективы // ЦА: взгляд из Вашингтона, Москвы и Пекина. – М., 2008; Жукова С.В. Центральная Азия: роль в перестройке мировых рынков нефти и природного газа. – М.: ИМЭМО РАН, 2014 – 104 с.

<sup>8</sup> Касымов А.М. Внешнеполитические ориентиры Республики Узбекистан. – Т., 2000. – 120 с.; Жумаев Р.З. Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика // В 4-х томах. – Т.: Адолат, 1994.; Жураев С.А. Фуқоролик жамияти: Назария ва амалиёт. – Т.: Шарқ, 2004– 264 б.; Арифханов Ш. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. – Т., 2007. – 186 с.; Сафоев С.С. Геополитика Центральной Азии. – Ташкент, 2005. – С.11.; Саидолимов С.Т. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш муаммолари: дис. сиёс. фан. доктори. – Т.: ДЖКА, 2009. – 281 б.; Кучаров Ч. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. – Т.: Фан, 2008. – 203 б.; Толипов Ф.Ф. Большая стратегия Узбекистана в условиях геополитической и идеологической трансформации Центральной Азии. – Т.: Фан, 2005. – 154 с.

<sup>9</sup> Касымов А.М. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т.: Узбекистан, 1994. – 112 с.

<sup>10</sup> Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: Шарқ, 2005. – 464 с.

қўшни мамлакатлар билан аҳил қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси стратегияси таъсирини ҳар томонлама таҳлил қилиш;

Умуман ҳудудлашув жараёнларига ва, хусусан, Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг ҳамкорлигига ижобий таъсир кўрсатувчи глобаллашувнинг ўзига хос белгиларини тадқиқ этиш;

Марказий Осиё давлатлари интеграцияси янги шакллариининг пайдо бўлиши ва ривожланишига йўналтирилган тарихий-ретроспектив моҳиятли объектив сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, транспорт-логистик, маданий-гуманитар ва ижтимоий шароитлар йиғиндисининг замонавий тенденциялар билан биргаликда кўриб чиқиш;

Марказий Осиёдаги ҳудудлашув жараёнларига нисбатан намоён бўлаётган айрим геосиёсий таҳдидларни таҳлил қилиш ҳамда уларни биргаликда бартараф этиш йўллариини аниқлаш;

ҳалқаро сиёсий-иқтисодий муносабатлар етакчи акторларининг Марказий Осиёга нисбатан ёндошувлари эволюциясини таҳлил қилиш ва айрим жаҳон сиёсий таъсир марказларининг Марказий Осиёда ҳалқаро субрегионал муносабатларнинг шаклланишидан манфаатдорлигини асослаш.

**Тадқиқотининг объекти** Марказий Осиёдаги 1991 йилдан 2021 йилгача бўлган даврдаги интеграция жараёнларининг шаклланиши ва ривожланиши, бу ерда ҳалқаро муносабатларнинг субрегиони шаклланишига таъсир кўрсатувчи ташқи ва ички омиллардир.

**Тадқиқотининг предмети** Марказий Осиё давлатларининг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-ижтимоий ва табиий-экологик масалаларидаги ўзаро ҳаракати, шунингдек, ҳудудий интеграциясининг боришига глобаллашув ва жаҳондаги куч марказларининг таъсиридир.

**Тадқиқотининг усуллари.** Диссертацияда тизимлаштириш, ретроспектив, қиёслаш, эмпирик ва омилли таҳлил усулларииндан, шу билан бир қаторда, тадқиқотда илмий таҳлилнинг контент-таҳлил, ивент-таҳлил сингари амалий усулларииндан кенг фойдаланилди.

**Тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳалқаро муносабатлар тизимининг шаклланаётган субрегиони сифатидаги Марказий Осиё тушунчаси илмий муомалага киритилди, шунингдек, Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ҳар томонлама алоқаларини кучайтиришга йўналтирилган янги ташқи сиёсий курси минтақада ҳалқаро муносабатлар тизимининг тўлақонли субрегиони шаклланиши жараёнини бошлаб берганлиги асосланган;

Марказий Осиё халқларини бирлаштирувчи интеграция мафқураси кўп асрлик умумий кадриятларга асосланган ҳолда мазкур минтақадаги давлатларнинг янгича ҳудудий мансублигини шакллантиришга хизмат қилиши аниқланган;

айрим жаҳон акторларининг, жумладан, АҚШ, ЕИ, Япония, Ҳиндистоннинг Марказий Осиёни ҳалқаро муносабатлар тизимининг субрегионига айланишидан манфаатдорлиги очиб берилган, чунки бундай

тизимнинг шаклланиши минтақадан ташқаридаги, яъни у билан бевосита чегарадош бўлмаган куч марказларининг Евроосиё “юраги”даги мавқеининг мустақамланишига олиб келади;

глобаллашувнинг тебранувчи табиатга эга эканлиги ҳақидаги фаразнинг тўғрилиги ҳамда ХХР нинг “Бир камар, бир йўл” мегалойихаси билан боғлиқ бўлган глобаллашув жараёнларининг янги босқичида Марказий Осиёнинг Евроосиё минтақаси маркази сифатидаги юксалиб бораётган роли, унинг Хитойни Европа билан боғлайдиган транспорт йўлакларини қайта тиклашни назарда тутишини инобатга олган ҳолда, асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларига таъсир кўрсатишга қодир бўлган асосий ташқи ва ички худудий омиллар тизимлаштирилган, Марказий Осиё интеграциясини мустақамлашга йўналтирилган янги илмий концепциялар ва парадигмалар шакллантирилган;

худудий мансубликни шакллантириш, “Бир камар, бир йўл” лойихаси ҳамда худуд манфаатлари йўлида жаҳон акторлари ўртасида кучайиб бораётган рақобат билан боғлиқ глобал ўзгаришлардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Марказий Осиё муаммоси билан шуғулланувчи таҳлилий марказлар, сиёсий патиялар, ОАВ, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларининг энг янги тарихи ва ташқи сиёсати бўйича умумий ва махсус курсларни тайёрлашда, Ўзбекистоннинг ва худуддаги бошқа мамлакатларнинг олий ўқув юртларида назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий сиёсий фанда эътироф этилган ёндошувлар ва усуллардан фойдаланилганлиги, муқобил манбалардан, тадқиқот марказлари, оммавий ахборот воситалари таҳлилий хужжатларидан олинган турли-туман ахборотдан фойдаланилганлиги, ЎзР ОАК рўйхатида кирган республикадаги ва хорижий журналларда, республикадаги ва халқаро илмий-амалий анжуманлар тўпламларида мақолалар нашр қилинганлиги, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан маъқулланган хулосалар ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини яратиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг янги ташқи сиёсий йўлининг айрим илмий-услубий жиҳатларини чуқурлаштириш зарурати билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Марказий Осиё давлатларидаги интеграция жараёнларининг ривожланиши, шунингдек, шаклланаётган субрегионнинг концептуал ва услубий асосларига оид умумий қарашларни шакллантиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларидан олий таълим тизимида “Жаҳон сиёсати”, “Геосиёсат”, “Сиёсатшунослик асослари” сингари ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда, маъруза матнлари, ўқув қўлланмалар ва ўқув услубий

тавсияларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятида, Марказий Осиё давлатларидаги бирлашув жараёнларини ўрганиш билан шуғулланувчи тадқиқот марказларида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Диссертация ишида ишлаб чиқилган асосий таклифлар қуйидаги йўналишларга жорий этилди:

Марказий Осиёда яхши қўшничилик муҳитини яратишга, қўшни давлатлар билан ҳар томонлама алоқаларни кучайтиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикасининг янги ташқи сиёсий йўлининг концептуал моҳияти, халқаро муносабатлар тизимининг тўлақонли субрегионини шакллантириш жараёнига тўртки берганлиги тўғрисидаги илмий асосланган хулосалар Марказий Осиё халқаро институти (МОХИ) экспертларининг илмий-таҳлилий ишларида фойдаланилди (Марказий Осиё халқаро институтининг 2021 йил 2 апрелдаги №1/205-44 сонли маълумотномаси). Натижада илмий умумлаштиришлар бўйича шакллантирилган таклиф ва тавсиялар институт экспертларининг илмий муомаласига мамлакатнинг янги ташқи сиёсий курсини кучайтириш унсури сифатида хизмат қилди;

Марказий Осиё халқларини бирлаштирувчи кўп асрлик умумий кадриятларга асосланган интеграция мафқураси ва мазкур минтақа мамлакатларининг янгича ҳудудий мансублигини шакллантиришга хизмат қиладиган таклиф ва материаллар Миллий маданиятни ривожлантириш концепцияни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”га киритилди (Ўзбекистон республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 26 январдаги 02-12-02-377-сонли маълумотномаси). Натижада ҳудудий мансубликни шакллантириш бўйича таклифлар Марказий Осиё мамлакатларининг умумий кадриятлар тизими таснифини киритиш имкониятини яратди, бу минтақа мамлакатлари маданий-ижтимоий алоқаларининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги ва натижадорлигининг ортишига хизмат қилди;

замонавий геосиёсий воқеликларни минтақага экстраполяция қилиш йўли билан олинган ҳамда жаҳондаги айрим акторларнинг, жумладан, АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Ҳиндистоннинг Марказий Осиёни халқаро муносабатлар тизимининг субрегиони сифатида кўришдан манфаатдорлигини исботловчи натижалар ва илмий хулосалардан “Замонавий халқаро муносабатларнинг ҳудудий ўзига хосликлари” дарслигини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 1186-сонли буйруғи билан нашр қилишга руҳсат этилган. Гриф рақами 1186-008). Китобда баён қилинган ёндошувлар дарсликнинг илмий-назарий қисмини бойитди.

Глобаллашувнинг тебранувчи табиатга эгаллиги ҳақидаги фаразнинг тўғрилиги ҳамда ХХР нинг “Бир камар, бир йўл” мегалойиҳаси билан боғлиқ бўлган глобаллашувнинг янги босқичида Марказий Осиёнинг Евроосиё минтақаси маркази сифатидаги юксалиб бораётган роли борасидаги хулосадан Ўзбекистон Республикаси ҳарбий ҳаво муҳофааси ва ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги шахсий таркиби ўртасидаги маърифий ва ахборот-тарғибот

ишларида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ҳаво муҳофаази ва ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигининг 2021 йил 2 мартдаги 5/135-сонли маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг қўмондонлик таркиби ҳарбий-сиёсий хавфсизликни таъминлаш ва мавжуд ҳамда истиқболдаги транспорт йўллари, қувур ўтказгичлар, транспорт-юк ташиш занжирларини глобал савдо тизимига Ўзбекистоннинг муваффақиятли қўшилиши учун ишончли ҳимоя қалқонининг яратиш зарурлиги тўғрисидаги билимлар билан қуролланди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 халқаро ва 3 республика анжуманларида маърузалар шаклида синовдан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, булардан 9 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр қилиш учун тавсия этилган илмий журналларда (4 – республикадаги, 5 – хорижий журналларда) нашр қилинди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация кириш, 9 фаслни ўз ичига олган уч боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхтидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва бугунги кунда унга эҳтиёж ва талаб мавжудлиги асослаб берилган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиясининг асосий устувор йўналишлари билан ўзаро боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган. Шунингдек, унда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилигини кўрсатиш билан бир қаторда, илмий тадқиқот усул ва услублари, тадқиқот натижалари апробацияси, нашрлар тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқотнинг тузилмаси ва кўлами очиб берилган.

Диссертациянинг **"XXI аср бошида ҳудудийлаштириш жараёнларининг актуаллашуви"** деб номланган ва уч банддан иборат биринчи бобида ушбу мавзунинг назарий ва услубий жиҳатлари, хусусан, ҳозирги босқичда глобаллашувнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган, халқаро муносабатларда ҳудудийлаштириш ҳодисасининг аҳамиятини пайдо бўлиши ва барқарор ўсиш сабаблари, шунингдек, Марказий Осиёни ҳудудийлаштириш жараёнининг геосиёсий муаммоларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозирги кунда халқаро муносабатлар биринчи навбатда глобаллашув феномени билан боғлиқ бўлган динамик ўзгаришлар билан тавсифланади. Бу ўзгаришларнинг моҳияти шундаки, инсоният кундан кунга коммуникатив жиҳатдан кучайиб бормоқда. Бу ахборот, маълумот, товарлар, билимлар ва

маданий қадриятлар алмашинуви каби кўплаб нарсаларни қамраб олувчи жараён орқали намоён бўлади. Ҳар қандай муҳим сиёсий ёки маҳаллий воқеа янги ахборот технологиялари туфайли, тезлик билан геосиёсий аҳамият касб этади.

Глобаллашувнинг табиати халқаро муносабатлар субъектлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ўзаро қарамликнинг кенгайиши ва мустақамланишидан иборат бўлиб, бу ўринда дунёнинг алоҳида минтақалари, давлатлари, шунингдек, инсоният фаолиятининг деярли барча соҳалари рол ўйнаши мумкин. Шундай қилиб, глобаллашувни белгиловчи тушунчалар - бу жараён иштирокчиларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро қарамликларидир. Ўзаро боғлиқлик алоҳида элементларни яқинлашуви, чирмашуви, бирлашуви, халқаро муносабатлар субъектларининг сиёсат ва бошқа фаолияти ва манфаатларининг умумий соҳасини шакллантиришни назарда тутди. Бу жараённинг ўзига, алоҳида элементларнинг бир бутун бўлиб бирлашишига интеграция тушунчаси сифатида қаралади. Ўзаро қарамлик- бу ўзаро масъулият, бир -бирини тўлдириш ва ҳамкорлик зарурияти вужудга келадиган ва натижада томонлар бу муносабатларсиз ҳеч иш қилолмайдиган ҳолатдир. Шунинг учун ҳам Генри Киссинжер мавжуд дунё тартиботини таърифларкан: "замонавий, ҳозирги глобал Вестфалия тизими - бугунги кунда уни жаҳон ҳамжамияти деб аташ одат бўлган - дунёнинг анархик моҳиятини очиқ ташқи сиёсат, савдо ва бутун халқаро тизимнинг барқарор ишлашига кўмаклашиш учун йўналтирилган халқаро ҳуқуқий ва ташкилий тузилмаларнинг кенг тармоғи ёрдамида “ҳимоя қилишга”, шунингдек халқаро низоларни ҳал қилиш ва қачондир уруш ҳолатлари юз берса, уларнинг кўламини чеклаш мақсадида барча учун бир хил умумий тамойилларини белгилашга интилади"-деб бекор айтмаган.<sup>11</sup>

Глобаллашув мураккаб, кўп бўғинли ходиса эканлиги тобора равшанлашиб бормоқда. Унинг ижобий оқибатлари билан салбий томонлари ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Глобаллашувнинг хилма-хиллиги, халқаро муносабатларнинг сиёсий фанларида "минтақалашув" деб аталадиган феноменнинг пайдо бўлиши ва мустақамланишида ҳам намоён бўлади.

Турли ёшдаги ва турли миқёсдаги субъектларни ўта мураккаб тузилма - жаҳон цивилизациясига бирлаштиришга ҳаракат қилишга қаратилган ва қарама -қаршилиқларнинг келиб чиқиши илдизи бўлган глобаллашувдан фарқли ўлароқ, ҳудудийлаштириш- алоҳида давлатларнинг мақсадлари бир-бирига мос келадиган мамлакатлар гуруҳлари доирасида, шунингдек, умумий бозор ва этник-маданий ўзига хослик ва бошқалар доирасида маданий тараққиёт тушунчасини мужассам этган минтақада мустақиллик ва суверен миллий сиёсий манфаатларни сақлаб қолиш йўлидаги ички интеграциясидир.

Минтақа атамасидан турли илмий фанларда турли маъноларда фойдаланилади. Бу географик жиҳатдан бир хил зонанинг белгиланиши бўлиши мумкин, масалан, - "текис ҳудуд", маъмурий бирлик ёки экологик зона ва бошқалар. Ушбу тадқиқотда “минтақа” атамасига халқаро муносабатлар

<sup>11</sup> Heinz Alfred Kissinger, "World Order", New York: Penguin Press, September 9, 2014). — ISBN 978-1594206146.

тизимининг классик тушунчаси киритилган. Халқаро сиёсий кун тартибига шубҳасиз таъсир кўрсатадиган дунёнинг йирик минтақалари - Осиё -Тинч океани минтақаси, Шимолий Америка минтақаси, Европа минтақаси ва бошқалар шундай қабул қилинган. Ушбу малакага асосланиб, халқаро муносабатлар тизимининг субрегионлари нисбатан кичик давлатлар гуруҳлари бўлиб, уларнинг ўзаро таъсири халқаро муносабатларнинг қуйи тизимини яратади. Мазкур даражаланишдан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, халқаро муносабатлар тизимининг субрегионлари ўзаро таъсири халқаро муносабатларнинг қуйи тизимини юзага келтирадиган нисбатан кичик давлатлар гуруҳлари ҳисобланади. Бу субрегионлар халқаро кун тартибининг конфигурациясига таъсир кўрсатишга қодир бўлган халқаро муносабатларнинг муҳим иштирокчилари сифатида қабул қилинади.

Умуман олганда, барқарор характерга эга бўлган минтақалаштириш жараёнлари, халқаро муносабатларнинг ривожланиш тенденциялари ва истиқболларини ўрганиш контекстида энг долзарб мавзулардан бирига айланиб улгурди.<sup>12</sup> Давлатларнинг энг муваффақиятли минтақавий бирлашмалари, умумий сиёсий ва иқтисодий манфаатлардан ташқари, минтақавий ўзига хосликни шакллантиришга қодир бўлган ўхшаш менталитетга эга бўлганларидир. Тадқиқот Марказий Осиёнинг тарихан бир-бирига яқин халқларининг ҳам глокализация ва асосан ўхшаш бўлган анъанавий кадриятларни сақлаб қолишга мойилликларини кўрсатиб берди.

Шу сабабли, агар интеграция мафкурасининг асоси сифатида Ўрта Осиё халқларини бирлаштирган кўп асрлик умумий кадриятлар қабул қилинадиган бўлса, бу ерда янги минтақавий ўзига хосликни шакллантиришнинг жуда тезкор жараёни бошланиши аниқланди. Шу билан бирга, ушбу минтақанинг давлат тузилмаларига ҳудудий ўзига хослик даражаларидан бири сифатида қаралиши керак. Шундай қилиб, биз икки босқичли ўхшашликка эга бўламиз. Қачонки зинапоянинг асосий қисмига миллий тенгликни жойласак, умумҳудудий ўхшашлик иерархиясида қуйи “ўрин”ни халқаро ва минтақа ичидаги шуурида тобора мустаҳкамланиб бораётган, Марказий Осиёда шаклланаётган жаҳон субрегиони тушунчаси эгаллайди.

Агар ортга назар ташлайдиган бўлсак, Марказий Осиёнинг бешта мамлакатининг янги мустақил давлат сифатида халқаро ҳамжамиятга кириш даври глобаллашув жараёнларининг жадаллашган вақтида юз берганини кўришимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиё жамиятининг ўтиш даври унинг минтақаларо тузилишининг бир неча бор мураккаблашиши, шунингдек, ташқи омиллар ҳаракатига боғлиқликнинг кучайиши билан ажралиб турарди. Дарҳақиқат, ўша пайтда нафақат Марказий Осиёда, балки глобал миқёсда давлатларнинг халқаро муносабатлар минтақалари доирасидаги модернизациясининг табиати ва натижалари асосан халқаро ҳаётда янги глобал ҳодисаларнинг йўналиши ва шаклланишини белгилаб берди. Бунга қўшимча равишда, глобаллашув доимий равишда модернизация

---

<sup>12</sup> Еремина, Е.В. Региональная идентичность в контексте социологического анализа Регионология. – 2011 – № 3. – С. 48 –56.

жараёнларига жиддий ўзгартиришлар киритиб, ижтимоий ўзгаришларнинг етакчи жараёнига айланди ва алоҳида минтақавий жамиятларнинг модернизацияси- унинг натижаси бўлди.

Диссертациянинг **"Замонавий Марказий Осиёда интеграциялашув жараёнларининг объектив оид шартлари"** номли иккинчи бобида Марказий Осиё давлатларининг интеграциясига ёрдам берувчи, шу билан бирга тўсқинлик қилувчи асосий омиллар, унинг босқичлари, шунингдек, минтақа давлатларининг бу жараёнларга таъсир кўрсатган муҳим сиёсий қадамлари тарихий ретроспективада кўриб чиқилган.

Марказий Осиёда интеграцияни шакллантиришнинг сиёсий ва ҳуқуқий асослари эволюциясини таҳлил қилишдан шу маълум бўлдики, Марказий Осиё давлатлари мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ яхши кўшничилик муносабатлари ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга содиқлигини кўп бора эълон қилишган. Маданий ва тарихий анъаналар, минтақа халқларига хос бўлган ҳаёт ва дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятлари уларнинг ўзаро муносабатларига сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатди. Бу бир томондан, минтақавий ҳамкорликни шакллантиришнинг бир-бирига зид парадигмаларини келтириб чиқарган бўлса, бошқа томондан, бу омиллар Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсий манфаатларни аниқлашга ёндашувларнинг кристаллизациясига катта таъсир кўрсатди. Улар энг аввало ўз миллий манфаатларини шакллантиришлари, сўнгра яқин кўшнилари билан минтақавий ҳамкорликни ўрнатиш йўлини танлашлари керак эди.

Муайян минтақада халқаро муносабатларнинг ягона қуйи тизимини яратишнинг муҳим ва асосий шarti - бундай мақсадларнинг кенг халқаро ҳамжамият олдида расман эълон қилиш ҳисобланади. Бундан ташқари, минтақа барқарорлик, барқарор ривожланиш ва яхши кўшничилик ҳудудига айланиши учун Марказий Осиё давлатлари ўртасида амалий самарали ҳамкорлик учун зарурий шарт-шароитлар яратилиши керак. Бу минтақалаштириш ва жаҳон маконига қўшилишнинг асосий шартларидир.

Интеграция жараёнларининг асоси ҳисобланмиш иқтисодий, транспорт ва логистика бугунги кунда халқаро савдонинг асосий артериялари бўлган денгиз портларидан узоқда жойлашган Марказий Осиё учун асосий вазифалардан биридир. Халқаро муносабатларнинг иқтисодий, транспорт ва логистика компонентларининг замонавий ривожланиши минтақавийлик тенденциясини замонавий дунё ривожланишининг асосий тенденцияларидан бирига айлантиради.<sup>13</sup> Халқаро глобал тизимнинг яхлитлигига қарамай, унда бир қатор халқаро муносабатлар унга тўлиқ мос келмагани учун бўшлиқлар бўлиши муқаррар, яъни улар автоном ёки қисман ёпиқ ҳолда амалга оширилади. Бу минтақавий қуйи тизимларнинг мавжудлиги - "умумий географик тегишлиликка асосланган ўзига хос ўзаро таъсирлар мажмуи" натижасидир.<sup>14</sup>

<sup>13</sup> Ратленд П. Глобализация и посткоммунизм: [ст. из США] // Мировая экономика и международные отношения. 2002. № 4. С.15-18.

<sup>14</sup> Ратленд П. Глобализация и посткоммунизм: [ст. из США] // Мировая экономика и международные отношения. 2002. № 4. С.15-18.

Минтақавийлик жаҳон жараёнларининг хилват, чекка жойларида қолмаслик, балки уларнинг алоҳида тузилмаси сифатида халқаро муносабатлар воқелигининг марказига жалб этилишга имкон беради. Минтақавий интеграция орқали ўрта ва кичик давлатлар ўзларининг халқаро муносабатлар қутбини шакллантириш имкониятига ва замонамизнинг асосий муаммоларини ҳал қилишда ўз овозларига эга бўладилар. Айниқса, сўнгги йилларда кўплаб ҳудудлар "субрегион" хусусиятларга эга бўлмоқдалар. Минтақадаги ҳақиқий иқтисодий интеграция алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у алоҳида-алоҳида мамлакатлар жаҳон қайта ишлаб чиқариш айланмасидан дастлабки босқичдаёқ чиқариб юбориладиган бир вазиятда, иштирокчи давлатларга ресурслар учун геоиқтисодий қарама-қаршилик қурбони бўлмаслик имконини, жаҳон иқтисодиётига қўшган "товар сармоялари" учун дунё даромадидаги улуши ва дивидендларни олиш имконини беради.

Марказий Осиё мамлакатлари учун тарихий тараққиётнинг бу босқичида, энг аввало, бозорни бошқаришнинг замонавий усулларига асосланган ва иқтисодий интеграциянинг энг яхши жаҳон тажрибасидан фойдаланилган иқтисодий интеграция муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, транспорт-логистика соҳаси ҳам транзит савдо оқимлари учун қулай ташкилий ва иқтисодий шароитлар яратиб, Марказий Осиё тараққиётининг ноҳом-ашё драйверларидан бирига айланиши мумкин. Савдо ҳажми ортиб бораётган "Шимол-Жануб" ва "Шарқ-Ғарб" чорраҳасида жойлашган Марказий Осиёнинг ўзига хос жойлашуви Марказий Осиё орқали қуруқлик транзитини кўпайтиришнинг асосий шартларидан бири бўлиб, унинг рақобатбардошликдаги устунлиги Евроосиёнинг қоқ юрагида жойлашган географик жойлашуви билан белгиланади. Марказий Осиё давлатларининг маданий ва цивилизацион тикланиши, уларнинг шаклланиши ва ривожланишининг устувор вазифасига айлангани муҳим аҳамиятга эга. Бу тикланиш мамлакатларнинг яшовчанлик сифати ва мукамаллика интилишини ҳосил қилиш призмаси орқали кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, ўн йилликлар давомида дунё ҳамжамиятидан темир девор билан ўраб олинган Марказий Осиё халқлари, халқаро ҳамкорлик ҳақида жуда содда фикрларга эга эдилар. Собиқ марказ томонидан ўрнатилган коммунистик мафкуравий кўрсатмаларни рад этиш, очиклик, ўзаро манфаатли ҳамкорликка самимий тайёрлик-мустақиллик йилларининг бошларида халқаро ҳамжамият билан муваффақиятли интеграциялашиш учун етарли шартлар деб ҳисобланган. Минтақанинг янги мустақил давлатларининг сиёсий ва дипломатик тан олиниши жуда тез содир бўлганига қарамай, бу янги ташкил этилган суверен ҳудудларнинг келажак тақдири билан боғлиқ кутишлар аниқ қузатилган. Ўша пайтдаги собиқ метрополнинг кучли реваншист кучлари Марказий Осиёда вужудга келган мустақил давлатларнинг тўловга лаёқатсизлиги ҳақида бир қатор тезислар чиқардилар.<sup>15</sup> Улар Ўрта Осиё давлатларига унвон номини берган халқлар асосида миллат шакллантириш

---

<sup>15</sup> Бобокулов И. Центральная Азия как комплекс безопасности: теория и практика. Центральная Азия и Кавказ. Том 15. Выпуск 3. 2012. С 123.

имкониятини шубҳа остига олишди. Бу тезислар Туркистонни Сталин принциплари асосида совет республикаларига бўлиниши натижасида замонавий дунё харитасида илгари давлатчилиги бўлмаган давлатлар пайдо бўлганлиги ҳақидаги даъволари билан мустаҳкамланганди. Ана шулардан келиб чиқиб, бу шаклланишларнинг сунъийлиги ва уларнинг тарихий ривожланиш истиқболлари йўқлиги тўғрисида хулоса чиқарилди. Шунини таъкидлаш жоизки, бу уйдирмалар алоҳида халқаро марказлар томонидан ижобий қабул қилиниб, минтақада ўзларининг геосиёсий манфаатларини илгари суриш мақсадида фойдаланилди. Айниқса, диний экстремизм мафкурачилари, бунда минтақада ўз тарафдорларини оммавий равишда кўпайтириш имкониятини кўрдилар. Бу ҳудудда яшовчи халқларнинг кўп асрлик давлатчилик тажрибасига эгаллиги, уларнинг ҳисоб-китоблари нотўғри эканлигини исботлаб берди.

Диссертация ишининг **"Марказий Осиёнинг муваффақиятли ривожланишининг зарурий шарти сифатида барқарор халқаро субрегионал тизимни шакллантириш"** деб номланган учинчи бобида минтақа давлатларининг юзага келаётган баҳсли, мунозара талаб этувчи масалаларни ҳал қилишга интилишлари таҳлил этилиб, минтақалаштирувга ёрдам берувчи ташқи омиллар асослаб берилган ҳамда Ўзбекистоннинг яхши кўшничилик муносабатларини, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Марказий Осиё интеграциясини чуқурлаштирувчи сиёсий ва ҳуқуқий платформани шакллантириш ва давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилиш бўйича ташаббуслари ягона тизимга солиб кўрсатиб берилган.

Тарихий нуқтаи назардан қараганда, Марказий Осиё минтақаси турли ягона давлат тузилмаларига бирлаштирилган бўлиб, Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан кейингина янги замонавий геосиёсий тузилма сифатида вужудга келган. Шунга кўра, у собиқ Иттифокнинг ижобий фазилатлари билан бир қаторда салбий фазилатларини ҳам мерос қилиб олди. Постсовет мамлакатларининг илмий, интеллектуал ва ишлаб чиқариш салоҳияти гарчи нисбатан юқори даражада бўлган бўлса-да, парчаланиш даврига келиб, улар замон талабларига жавоб бермасди. Шу билан бирга, янги мустақил бўлган давлатлар олдида Иттифок ичидаги маъмурий чегараларни суверен давлатларнинг тўлақонли давлатлараро чегараларига айлантириш вазифаси турарди. Маъмурий бўлиниш аввалбошдан собиқ Иттифок марказининг минтақани бирлаштиришга тўсқинлик қилиш мақсадини кўзлагани, шунингдек, бу масала унинг хоҳишига кўра қайта -қайта кўриб чиқилганлиги ҳисобга олинса, бу катта зиддиятли салоҳиятга эга масала эди. Иттифок парчаланганидан кейин кучайган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича фарқланиши давлатлар ўртасидаги муносабатларда тор миллий манфаатларнинг устунлигига олиб келди. Иқтисодий жиҳатдан унчалик ривожланмаган, ҳудудий жиҳатдан кичик бўлган Тожикистон ва Қирғизистон иқтисодий устуворликлари жиҳатидан табиий ресурслар билан таъминланган Қозоғистон, Ўзбекистон ва Туркманистондан сезиларли даражада фарқ қилардилар. Натижада,

мамлакатлар минтақавий қўшниларининг манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда, ўз келажаги, айниқса, сиёсий ривожланишини мустақил равишда ёки дунёнинг ривожланган давлатлари тимсолидаги янги шериклари ёрдамида қуришга ҳаракат қилдилар. Ҳудудлараро интеграция жараёнларининг самарадорлигини объектив ва субъектив омиллар тўсиб турарди. Минтақа давлатларининг мустақилликларининг дастлабки босқичидаги сиёсий ва иқтисодий заифлиги бу омилларнинг энг асосийси эди. Миллий суверенитетнинг мустаҳкамланиши, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш ва иқтисодий қудратнинг ўсиши баробарида минтақавий консолидация масаласи яна долзарб мавзуга айланди. Субрегионнинг барча баҳсли масалаларини амалий ҳал қилишнинг муҳим ва олд шарт-бу минтақа давлатлари ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш эди. Бу улар учун умумий муаммоларни, жумладан, Орол денгизи ва Орол денгизи депрессив ҳудудлари, трансчегаравий дарёлардан оқилона ва ўзаро манфаатли фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни биргаликда янада муваффақиятли ҳал этиш учун саъй - ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини очиб берди.

Марказий Осиёни минтақалаштиришнинг ташқи омиллари ўз манфаатларидан келиб чиқиб, минтақа билан ўзаро алоқада бўлган дунёнинг етакчилари Россия, АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи, Туркия билан маълум бир геосиёсий қарама-қаршиликлар мавжудлигидан далолат беради. Минтақанинг асосий геосиёсий хусусияти ва унга минтақавий ва минтақавий бўлмаган иштирокчиларнинг қизиқишининг сабаби, унинг Шимол-Жануб ва Шарқ-Ғарб транспорт йўлаклари кесишмасида қулай географик жойлашуви ҳамда нефть, газ, уран, олтин ва бошқа рангли ва нодир металллар каби энг бой хом ашёларнинг, шунингдек, пахта, дон, бошқа қишлоқ хўжалиги ресурсларининг мавжудлигидадир. Минтақанинг асосий геосиёсий омилларининг устуворликлари таҳлили уларнинг ўз манфаатларини қондиришга йўналтирилганлигини кўрсатди. Улардан баъзиларининг, жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Европа Иттифоқи, Япония, Ҳиндистоннинг Марказий Осиёга халқаро муносабатлар тизимининг субрегиони сифатида қизиқиши яққол кўриниб турибди, чунки бу Евроосиё китъаси марказидаги куч марказлари билан чегарадош бўлмаган минтақадан ташқари позицияларнинг кучайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё интеграциясини чуқурлаштириш платформаси сифатида яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш стратегияси Ўзбекистон Республикасининг минтақа давлатлари ўртасида кенг қамровли алоқаларни ўрнатиш борасидаги бир қатор сиёсий ташаббуслари билан қўллаб-қувватланмоқда. Аввалроқ ҳам Марказий Осиё давлатларини бирлаштиришга бир неча бор уринишлар бўлган. Мувофиқлаштирувчи органларни тузишни тартибга солувчи бир қатор декларациялар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга имзо чекиш шулар жумласидандир. Масалан, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти (ЦАЭС) доирасида 160 дан ортиқ ҳамкорлик тўғрисидаги кўп томонлама ҳужжатлари имзоланиши ва иқтисодиёт соҳасида 50 дан ортиқ

кўшма лойиҳалар қабул қилинишига қарамай, улар барибир минтақада ягона чуқур интеграциялашган маконни яратишда фойда бермади.<sup>16</sup>

Халқаро экспертларнинг фикрича, Марказий Осиё интеграциясининг янги босқичи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан бошланди, у ўзининг фаол ҳаракатлари билан бу масалани яна бир бор актуаллаштирди. Бу мавзу кўп йиллардан буён минтақавий кун тартибида амалда бўлмаган эди. Бироқ, у ҳозирги кунда қайтадан тикланиб, ўз ўрнини эгалламоқда, турли таҳлилий майдонларда фаол муҳокама қилинмоқда, ва энг муҳими, у ҳар доим расмий учрашувлар ва конференциялар, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг баёнотлари ва ташаббуслари кўринишидаги воқеалар материаллари, шунингдек, минтақавий кўшнилар ўртасидаги муносабатларнинг тез ўзгариши каби ҳолатлар билан тўйинмоқда.

Қисқа вақт ичида эришилган тараққиёт, халқаро ҳамжамиятнинг кўп сонли таниқли вакилларининг юқори даражадаги қўллаб-қувватлаши, ва энг муҳими, Ўзбекистон раҳбарини янги курсининг нафақат кўшни давлатлар раҳбарлари, балки халқлари томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланганлиги, ушбу ташаббуснинг узоқ давом этган мулоҳазалар, тизимли илмий таҳлиллар, кўшнилар билан муносабатларнинг ички механизмини чуқур билиш самараси бўлиб, глобаллашувнинг сўнгги тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, минтақавий интеграция масаласига фақат прагматик ва амалий ёндашув билан бирлаштирилганлиги меваси эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Дастлаб Марказий Осиё мамлакатлари давлат қурилиши, миллий мафкуравий тузилмаларни яратиш ва амалга ошириш, бошқарувнинг озми - кўпми самарали шаклларини топишга эътибор қаратдилар. Ўтган даврга разм солинса, кўриш мумкинки, минтақада яратилган мафкуравий тузилмалар кўп жиҳатдан ўхшаш эди ва шу жиҳатдан улар ноаниқликларни енгиб ўтишга, ички ва ташқи сиёсатни бошқариш моделлари ва маданиятини ўрнатишга ёрдам берди. Шунинг учун, минтақавий интеграция муаммолари нуқтаи назаридан, мустақил давлатлар тузилиши даврида элита бир вақтнинг ўзида минтақавий интеграциянинг мафкуравий асосини яратиш устида ҳам ишлай олармиди, деган савол туғилади. Элиталар ҳар қанча ҳоҳлаган ҳолларида ҳам, бир вақтнинг ўзида янги миллий ўзига хослик ва унга параллел равишда, янги минтақавий ўзига хосликни бу икки жараённинг ички мантиғи бошқачалиги сабабли ярата олмасдилар.

Марказий Осиё учун умумий минтақавий мафкурани излаш - объектив жиҳатдан мураккаб жараёндир. Биринчидан, замонавий Марказий Осиёнинг чегаралари турли экспертлар томонидан турлича талқин қилинади ва минтақанинг ноаниқ тасвири ҳолати уни инденфикациялаш имконини бермайди. Иккинчидан, туркий идентификацияга йўналтирилганлик минтақадан Тожикистон тимсолида унинг залворли қисмини олиб ташлайди ва унинг зиммасига дунёнинг мутлақо бошқа минтақаларидан келиб чиқадиган кўшимча мафкуравий парадигмаларни юклайди. Учунчидан, ўзини исломий идентификация қилиш Марказий Осиё давлатларининг дунёвий

<sup>16</sup> Сафаяв С. “Составляя единой целое”. 10.11.2005. <http://www.pv.uz/uz/sostavlyaya-edi>

конституциясига зид ва бу терроризм ва диний экстремизмнинг глобал таҳдиди туфайли вазиятни янада мураккаблаштиради. Тўртинчидан, янги мустақил миллатлар яратишга йўналтирилган мафкуравий конструкцияларнинг мақсадлари ва мазмун-моҳиятига аниқ қарама-қаршилик юзага келиши боис, советларнинг ўзига хослик қатламига муружаат қилишнинг иложи йўқ.

Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, янги Президент Ш.Мирзиёев сайланиши билан Ўзбекистонда туб ўзгаришлар юз берди ва амалга оширилмоқда, давлатнинг фаол минтақавий сиёсати эса ўз ўрнида жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортишда давом этмоқда.<sup>17</sup> Ўзбекистон бугунги кунда машҳур америкалик сиёсатшунос Ф.Старрнинг фикрича, Марказий Осиёни "бутун минтақани барқарорлаштиришда муҳим рол ўйнашга қодир бўлган халқаро муносабатларнинг қизиқарли мавзуси"га айлантирадиган минтақавий бирдамлик ғоясини олдинга суриб, фаол тарғиб қилмоқда.<sup>18</sup> Ўзбекистон томонидан ташқи сиёсатнинг асосий устуворлиги сифатида Марказий Осиё минтақасининг аниқ белгилаб берилганлиги, мамлакат раҳбарининг энг яқин қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишга бўлган самимий истаги Марказий Осиёнинг ўзида ҳам, ундан ташқарида ҳам ижобий қабул қилинди. Ш.Мирзиёев қабул қилган янги ташқи сиёсат стратегияси Марказий Осиёни барқарорлик, барқарор ривожланиш зонасига айлантириш учун барча зарур шарт-шароитларни таъминлашга, шу жумладан, тўпланган давлатлараро муаммоларни конструктив ва ўзаро манфаатли асосда самарали ҳал қилишга қаратилган. Интеграция ҳеч қачон миллий ўзига хосликни (тил, маданият, урф-одатлар ва кадриятлар) йўқ қилиш, тенглаштиришга қаратилган эмас. У минтақанинг этномаданий ўзига хосликни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга ҳисса қўшиш учун мўлжалланган.

## ХУЛОСА

Глобаллашув жараёнларининг кучайиши, халқаро ҳамкорликнинг асослари, усуллари ва технологияларининг изчил кенгайиши баробарида Марказий Осиё минтақаси дунё тузилмаси чеккасидан жадаллик етакчи жаҳон омиллари таъсири учун кураш марказига билан ўрнашиб олмоқда. Ҳозирги вақтда Марказий Осиёда халқаро субрегионал тизимнинг шаклланишига сабаб бўлган объектив олд шартлар шакллантирилди.

Марказий Осиё давлатлари интеграциясининг асосий жиҳатларини илмий-назарий ўрганиш бизга бир қанча илмий асосланган хулосалар ва амалий тавсиялар бериш имконини беради:

1. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда яхши қўшничилик муҳитини яратиш ташаббуси билан қўллаб-қувватланган, минтақа давлатлари

<sup>17</sup> Лаумулин М.Т. Политическое развитие и международное положение посткаримовского Узбекистана. <https://isca.kz/ru/analytics-ru/3029>

<sup>18</sup> Узбекистан как гарант стабильности и процветания Центральной Азии. <https://uznews.uz/ru/article/10408>

раҳбарлари томонидан қабул қилинган минтақалаштириш жараёнлари бу ерда халқаро муносабатларнинг тўлақонли субрегионини шакллантиришга туртки берди ва тезлаштирди. Бу минтақанинг ўз сиёсий, иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳалардаги эҳтиёжини етарли даражада қоплаш, ўзини ўзи таъминлаш жараёнларининг янги динамикасини берди ва Марказий Осиёнинг геосиёсий қийматини оширди. Бу эса дунё ва минтақавий даражада глобал рақобатнинг ўсиши кузатилаётган шароитда айниқса муҳим аҳамиятга эга.

2. Евросиё қитъасини қуруқлик транспорти йўлақлари билан боғлашга қаратилган глобаллашувнинг янги босқичида бугунги кунда Марказий Осиёнинг стратегик географик жойлашувини чуқур англаш жараёни кетмоқда. Ядриси Марказий Осиё бўлиши кутилаётган янги глобал транспорт-логистика тармоғи минтақанинг жадал ўзгаришига олиб келади. Логистика занжири ривожланар экан, унинг ҳудуди нафақат дунёдаги энг йирик транзит давлатига айланади, шунингдек, минтақанинг иқтисодий ривожланишини тўхтатувчи асосий омил - денгиз портларидан, бугунги халқаро савдо марказларидан узоқлик масаласи четга чиқиши натижасида катта ҳажмдаги транспорт оқимларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга қодир халқаро сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликнинг фаол иштирокчиси бўлади. Глобаллашувнинг пайдо бўлаётган янги архитектураси бу минтақани яна жаҳон савдосининг муҳим мантиқий бўғинига айлантиради ва бизнинг прогнозимизга кўра, уни халқаро савдо оқимларининг глобал марказларидан бирига айлантиради.

3. Марказий Осиёнинг суверен давлатлари биргаликда халқаро муносабатлар тизимининг субрегионини шакллантириш учун барча параметрларга эгадирлар. Бу параметрларга халқларнинг маданий ва тарихий яқинлиги, нефть, газ, уран, олтин, рангли металллар ва бошқа фойдали қазилмаларнинг улкан захиралари, кенг ҳудуд, талаб қилинадиган меҳнат ресурслари ва демографик салоҳият (БМТнинг сўнгги маълумотларига кўра, 2030 йилга келиб, Марказий Осиё аҳолиси 82 миллион кишини, 2100 йилга келиб 100 миллион кишини ташкил қилади), уларга мустақил бўлиш йўлини нисбатан барқарор босиб ўтишга имкон берган иқтисодий ўсишнинг динамик суръатлари ва хавфсизликнинг етарлича юқори стандарти киради.

4. Глобаллашув жараёни иштирокчиларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро қарамлигини глобализация тушунчасининг белгилари бўлиб, алоҳида элементлар - ҳудудлар ва субрегионларнинг у билан бирлашуви- халқаро интеграциянинг асосидир. Интеграция ва минтақалаштиришга қарши уринишлар нотўғри ҳаракат бўлиб, улар глобал сиёсий қарама -қаршилиққа олиб келади. Интеграция ва глобаллашув - умумжаҳон сиёсий ривожланишнинг бир-бирига уйғун босқичларидир.

5. Глобаллашув - бу нафақат замонавийликка хос бўлган ҳодиса, балки инсоният цивилизациясининг ривожланишига тарихан ҳамроҳ бўлган омил бўлиб, у инсоният тараққиётининг турли даврларида ўз кўлами ва технологияси билан фарқ қилган. Глобаллашувнинг кузатилган янги босқичи унинг тебрангич табиати ҳақидаги гипотезани исботлаш билан бирга Хитойнинг "Бир макон, бир йўл" ташаббуси билан узвий боғлиқдир. Ушбу

ташаббус Фарбдан, биринчи навбатда АҚШдан, сайёралар миқёсидаги глобал ривожланишнинг келажакдаги архитектура қурилишидаги етакчиликни тортиб олишга қаратилган. Хитойнинг "Бир макон - бир йўл" ташаббуси Марказий Осиё давлатлари томонидан ҳар томонлама қўллаб -қувватланди, чунки уларнинг ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналиши- халқаро алоқаларни ривожлантириш бўлиб, мазкур ташаббус уларнинг дунё маконига самарали ва хилма -хил йўллар билан киришни таъминлайди.

6. Халқаро муносабатлар субрегионининг муваффақияти моҳияти шундаки, у янчиб ташлаш, йўқотиш эмас, балки ўзаро ҳамкорликка, томонларда мавжуд ресурслардан глобал рақобатчиликдан мустақил иштирок этишда етарли бўлмаган ҳолларда биргаликда кенг, тўлақонли, оқилона фойдаланишга йўналтирилган. Шу туфайли Марказий Осиё мамлакатлари халқаро майдонда ўз ўрнини мустаҳкамлаш учун қўшимча имкониятга эга бўлади.

7. Япония, АҚШ, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Европа Иттифоқи ва бошқаларнинг "Ўрта Осиёнинг бешта давлати плюс" формуласи асосидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳақидаги доктринавий ёндашувлари, минтақа давлатлари ўртасидаги халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш ва мувофиқлаштиришга ҳисса қўшади. Дунёнинг етакчи давлатлари томонидан қабул қилинган ўзаро ҳамкорлик ва муносабатлар формуласи Марказий Осиёда халқаро муносабатлар субрегионал тизимини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

8. Қозоғистон ва Ўзбекистон халқаро авторитети ва иқтисодий кудратини янада мустаҳкамлашда бир-бирига муҳтож ҳамда улар табиий ҳамкорлардир. Мамлакатлар саъй-ҳаракатлар ва мавжуд ресурсларни бирлаштириб, ўз иқтисодиётининг хомашё йўналишидан динамик равишда анча узоқлашади ва халқаро майдонда янада рақобатбардош бўлиб боради. Бизнинг прогнозларимизга кўра, минтақа раҳбарларининг сиёсий ва иқтисодий яқинлашуви субрегионнинг шаклланишига туртки бўлади. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида Марказий Осиёнинг бу мамлакатлари кенг қўламли континентал транспорт йўлакларига самарали интеграциялашиши ва биргаликда Европа ва Осиё ўртасидаги савдо оқимларига хизмат кўрсатадиган кучли логистика бўғинини ташкил қилиши мумкин.

Тадқиқотга натижаларидан олинган назарий хулосаларни амалиётга татбиқ этиш эҳтиёжи бир қатор амалий таклиф-тавсиялар илгари суриш имконини берди:

1. Кейинги илмий изланишларга, оммавий ахборот воситаларидаги нашрларга услубий ёрдам кўрсатиш, минтақавийлаштириш барча қўшни давлатларнинг асосий манфаатларига жавоб беришини инобатга олган ҳолда, Марказий Осиёни халқаро муносабатлар тизими субрегиони сифатида жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу Ўзбекистон Республикасининг янги ташқи сиёсий курсини амалда амалга оширишга, шунингдек, минтақанинг геосиёсий аҳамиятини оширишга ҳисса қўшишга хизмат қилади.

2. Глобаллашувнинг янги архитектураси асосан Хитойнинг "Бир макон, бир йўл" ташаббуси билан шаклланганлигини ҳисобга олсак, янги геосиёсий воқеликка жавоб бериш учун Марказий Осиёнинг логистик афзалликларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек, янги халқаро савдо тизимининг асосий бўғинлари бири сифатида унинг тарихий ролини тиклаш зарур бўлади. Транспорт тизимлари салоҳиятини тўлиқ ва кенг очиб беришга ушбу масала бўйича ягона минтақавий мувофиқлаштирувчи орган ташкил этиш билан кўмаклашиш мумкин.

3. Умумминтақавий ўзига хосликни шакллантиришга қўшимча таъсир кучлари, ёки динамикани маданий-гуманитар алоқаларни фаоллаштириш, шу жумладан, маданий дипломатия воситаларини қўллаш ва Марказий Осиё менталитетига таъсир қилишга уринувчи ёт унсурларга биргаликда қаршилиқ кўрсатиш орқали бериш керак. Бунда Марказий Осиё халқларини бирлаштирувчи кўп асрлик умумий кадриятлар мафкуравий платформага айланмоғи керак.

4. Минтақанинг иккита йирик давлати - Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг амалга оширилмаган салоҳиятини янги минтақавий ҳамкорлик архитектурасининг асосий шакллантирувчи сегменти бўлиб хизмат қиладиган омил сифатида ўргани учун чуқур тадқиқотларни, жумладан, Ўзбекистон Марказий Осиё Халқаро Институтини доирасида олиб бориш ўринли бўлади. Уларнинг сиёсий ва иқтисодий ўзаро ҳамкорлиги бутун минтақа учун энг яхши намуна бўлиши керак.

5. Давлатлараро ва ҳукуматлараро мулоқот билан бир қаторда, халқ дипломатияси воситаларини қўллаган ҳолда, "пастандан юқорига" интеграцион жараёнларнинг ривожланишини ҳар томонлама рағбатлантириш, чегаралараро ҳамкорлик, саноат кооперацияси, Марказий Осиё давлатлари ўртасида партиялараро ва парламентлараро алоқаларни кенг қўллаш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES  
DSc.03 / 30.12.2019.Ss / Tar.21.02 UNDER THE  
TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ORIENTAL STUDIES  
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN**

---

**PULATKHODJAEV ZIYADULLA SAGDULLAEVICH**

**PROCESSES OF FORMATION OF THE INTERNATIONAL  
SUBREGIONAL SYSTEM IN CENTRAL ASIA**

23.00.04 - Political problems international of relations, global and regional development

**ABSTRACT  
of the dissertation doctors of philosophy (PhD) in political sciences**

**Tashkent – 2021**

**The theme of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in political sciences was registered at the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2019.2.PhD / Ss158**

The dissertation has been prepared at the International Islamic Academy of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Russian, Uzbek and English (resume)) on the website of the Scientific Council ([www / tsuos.uz](http://www/tsuos.uz)) and the information-educational portal "ZiyoNet" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Scientific consultant:** **Munavvarov Zokhidillo Inomhodjaevich**  
Doctor of Political Science, Professor

**Official opponents:** **Kasymova Nazokat Anvarovna**  
Doctor of Political Science, Professor

**Kirgizboyev Abdugaffor Karimzhonovich**  
Doctor of Historical Sciences

**Leading organization:** **University of World Economy and Diplomacy**

The defense of the dissertation will be held on "\_\_\_\_\_" "\_\_\_\_\_" 2021 at \_\_\_\_ the session of the Scientific Council DSc.03 / 30.12.2019.Ss / Tar.21.02 at the Tashkent State University of Oriental Studies (Address: 100070, Tashkent, Shakhrisabz street, 25. Tel : (99871) 233-45-21; fax: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

The doctoral dissertation is available at the Information Resource Center of the Tashkent State University of Oriental Studies (registered under No. \_\_\_\_). (Address: 100070, Tashkent, Shakhrisabz street, 25. Tel: (99871) 233-45-21).

The abstract of the doctoral dissertation is distributed on "\_\_\_\_\_" \_\_\_\_\_ 2021.

Registry protocol No. \_\_\_\_\_ dated "\_\_\_\_\_" \_\_\_\_\_ 2021).

**E.S. Sultanova**

Chairman of the Scientific Council awarding of scientific Degrees, Doctor of Political Science, Professor

**A.N. Nazarov**

Scientific Secretary of the Scientific Council awarding of scientific degrees, Doctor of Philosophy in Political Science (PhD)

**R.Z. Jumaev**

Chairman of the Scientific Seminar under the Scientific Council awarding of scientific degrees, Doctor of Political Science, Professor

## INTRODUCTION (abstract of PHD thesis)

**The aim of research** is identification and substantiation of objective prerequisites contributing to the formation of an international sub-regional system in Central Asia.

**The object of the research** is the formation and evolution of integration processes in Central Asia in the period from 1991 to 2021, external and internal factors influencing the formation of a subregion of international relations here.

**The scientific novelty of the dissertation is as follows:**

the concept of Central Asia as an emerging subregion of the system of international relations was introduced into scientific circulation, and it was also substantiated that the new foreign policy of Uzbekistan, aimed at intensifying all-round ties with neighboring states, launched the process of forming a full-fledged subregion of the system of international relations here.

it was revealed that the ideology of integration, based on centuries-old common values that unite the peoples of Central Asia, contributes to the formation of a new regional identity of the states of this region;

substantiated the interest of certain world actors, including the USA, EU, Japan, India, to consider Central Asia as a sub-region of the system of international relations, implying that. that the process of the formation of the latter will lead to the strengthening of extra-regional positions in the heart of the Eurasian continent, i.e. centers of power that do not border on it;

substantiated the correctness of the hypothesis about the pendulum nature of globalization and the growing role of Central Asia as the center of the Eurasian continent at its new stage associated with the PRC megaproject "One Belt, One Road", which provides for the revival of transport corridors connecting China and Europe through Central Asia.

**Implementation of research results.** The main proposals developed in the dissertation work have found their implementation in the following directions:

scientifically substantiated conclusions about the conceptual essence of the new foreign policy of the Republic of Uzbekistan aimed at establishing an atmosphere of good-neighborliness in Central Asia, aimed at intensifying all-round relations with neighboring states, launched the process of forming a full-fledged subregion of the system of international relations, found application in the scientific and analytical works of experts of the International Institute of Central Asia (MICA) (Reference of the International Institute of Central Asia No. 1 / 205-44 dated April 2, 2021). As a result, scientific generalizations, proposals and recommendations were included in the scientific circulation of the Institute's experts as an element of strengthening the country's new foreign policy course, were implemented in the

analytical documents of the Institute sent to the Ministry of Foreign Affairs of Uzbekistan, and were widely used at round tables and other events of the MICA;

proposals and materials regarding the formation of an ideology of integration based on centuries-old common values that unite the peoples of Central Asia and are able to build a new regional identity were included in the "road map" of the Concept for the Development of National Culture (reference of the Ministry of Culture of the Republic of Uzbekistan No. 02-12-02-377 dated January 26, 2021);

the results and scientific conclusions obtained by extrapolating modern geopolitical realities to the region and proving the interest of certain world actors, including the United States, the European Union, Japan, India to consider Central Asia as a sub-region of the system of international relations, were used in the preparation of the textbook "Regional features of modern international relations" (Permission to publish was issued by order of the Ministry of Higher and Secondary Education of the Republic of Uzbekistan No. 1186 dated December 27, 2019. Stamp No. 1186-008). The outlined approaches enriched the scientific and theoretical component of the textbook, allowed students and specialists to get acquainted with the latest trends in the field of regionalization, contributed to an in-depth understanding of the essence of the latest geopolitical changes taking place in the context of Central Asia;

conclusion of the correctness of the hypothesis about the pendulum nature of globalization and the growing role of Central Asia as the center of the Eurasian continent at its new stage associated with the PRC megaproject "One Belt, One Road", were used in educational and outreach work among the personnel of the Air Defense Command and the military - air forces of the Republic of Uzbekistan (certificate of the Air Defense Command and the Air Force of the Republic of Uzbekistan No. 5/135 dated March 02, 2021). As a result, the command staff of the Ministry of Defense of the Republic of Uzbekistan was armed with knowledge about the importance of ensuring military and political security and creating a reliable shield to protect existing and future transport corridors, pipelines, transport and logistics chains for the successful integration of the country into the global trading system. This, in turn, is a critical condition for the implementation of plans to reform the country and ensure the economic prosperity of Uzbekistan.

**The structure and volume of the dissertation.** The dissertation consists of an introduction, three chapters, including 9 paragraphs, a conclusion, a list of references and literature. The volume of the thesis is 166 pages.

**ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**  
**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ**  
**LIST OF PUBLISHED WORKS**

**I бўлим (I часть; I part)**

1. Pulatxodjaev Z.S. Modern initiatives of Uzbekistan to strengthen integration in Central Asia // Theoretical and Applied Science №06 (74) 2019, – Philadelphia, USA. – P. 516-518.
2. Pulatxodjaev Z.S. Japan And Processes Of Regionalization In Central Asia // The American «Journal of Political Science Law and Criminology», , №2(12) 2020, – USA. – P. 22-26.
3. Пулатходжаев З.С. Актуализация процесса регионализации в Центральной Азии // Международный научно-методический журнал «Global Science And Innovations: Central Asia». – Казахстан, №3 (1), 2020. – Б. 7-13.
4. Пулатходжаев З.С. Процесс формирования международного субрегиона в Центральной Азии // Journal "Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research" – Россия, №7/2020. DOI: 10.5281/zenodo.3652975. –82-88. (№12, ICV: 69.60)
5. Пулатходжаев З.С. Центральная Азия: на пути формирования зрелой региональной подсистемы // Ўзбекистон ислом академияси илмий-таҳлилий ахборот бюллетени. – Тошкент, № 1/2018. – Б. 105-110. (23.00.00; №18)
6. Пулатходжаев З.С. Процессы регионализации в Центральной Азии // Шарқ машъали – Тошкент, №03/2019. – Б. 171-182. (23.00.00; №6)
7. Пулатходжаев З.С. Узбекистан и процессы формирования атмосферы добрососедства в Центральной Азии // Жамият ва бошқарув – Тошкент, №03/2019. – Б. 65-73. (23.00.00; №11)
8. Пулатходжаев З.С. Стратегия Республики Узбекистан по укреплению добрососедства в Центральной Азии // Islom tafakkuri – Тошкент, №04/2020. – Б. 199-204.

**II бўлим (II часть; II part)**

9. Pulatxodjaev Z.S. Afghan vector of Central Asian cooperation // “Афғонистон XX ва XX1 асрлар чоррахасида: тарихий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жиҳатлари ва унинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабати масалалари” халқаро илмий-амлий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2019. – Б. 318-322.
10. Пулатходжаев З.С. Влияние инициативы КНР «Один пояс и один путь» на формирование международной субрегиональной системы в Центральной Азии // «O‘zbekiston –Xitoy: tarixiy-madaniy, ilmiy va iqtisodiy aloqalar rivoji» mavzusidagi xalqaroilmiy-amaliy konferensiya materiallari tuplami. – Тошкент, 2020. – Б. 620-626
11. Пулатходжаев З.С. Внешнеполитические факторы регионализации Центральной Азии. Марказий Осиё давлатлари интеграцияси ва ҳамкорлигини

ривожлантиришнинг маданий-гуманитар ва ижтимоий-мафкуравий жихатлари. Халқаро онлайн илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент, 2021. – Б. 19-23.

12. Пулатходжаев З.С. Стратегия добрососедства Узбекистана: тектонический сдвиг в отношениях государств Центральной Азии // Шарқ мамлакатларидаги халқаро муносабатларнинг замонавий трансформацияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент, 2020. – Б. 534-539.

13. Пулатходжаев З.С. Внешние факторы регионализации Центральной Азии. // Шарқ мамлакатларидаги халқаро муносабатларнинг замонавий трансформацияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент, 2020. – Б. 204-208.

14. Пулатходжаев З.С. Особенности и практические результаты «узбекской модели» развития экономики. Современные производительные силы. Научный журнал. №3(45) Москва.2018 г. – С. 115-119.

15. Пулатходжаев З.С. Международные отношения и история дипломатии. Сборник текстов лекций – Международная исламская академия Узбекистана. 2019 – 140 с.

16. Pulatxodjaev Z.S. Xalqaro Huquq. “Xalqaro Huquq” oquv qollanma/ - T., “Navruz”, 2021/ 416 bet.

Автореферат «Ислом тафаккури» журнали таҳририятида таҳрирдан  
ўтқазилиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар ўзаро  
мувофиқлаштирилди

Бичими: 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> «Times New Roman» гарнитураси.

Рақамли босма усулда босилди.

Шартли босма табоғи: 3. Адади 100. Буюртма № 25

Гувоҳнома № 10-3719

“Тошкент кимё технология институти” босмаҳонасида чоп этилган.

Босмаҳона манзили: 100011, Тошкент ш., Навий кўчаси, 32-уй.